

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ

РЕЖА

- 1.Солиқ тўловчилар. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база
- 2.Имтиёзлар. Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот
- 3.Солиқни ҳисобга олиш
- 4.Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби
- 5.Солиқ юзасидан бюджет билан ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва халқаро солиқ амалиётида эгри солиқларнинг асосий турларидан бири-қўшилган қиймат солиғи ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғи-ҳар бир ишлаб чиқариш босқичида ва реализация жараёнида ундириладиган кўп қиррали билвосита солиқдир. Корхона кундалик хўжалик фаолиятида маҳсулот етказиб берувчилардан товар ва хом ашё сотиб олади ва улардан маҳсулот ёки иш, хизматлар ишлаб чиқаради. Демак, қайта ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва сотишда қўшилган қўшилган қиймат яратилади.

Қўшилган қиймат иқтисодий моҳиятига кўра, сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати билан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган товарлар, хомашёлар ва хизматларнинг ўртасидаги фарқдан иборатдир.

Қўшилган қиймат солиғини давлат бюджетининг даромад қисмига жалб қилиш ғояси дастлаб XX аср бошларида юзага келган. Бу таклифни биринчи марта Германия бюджет амалиётига жорий этишни 1919 йилда Вилгелм фон Сименс илгари сурган. Қўшилган қиймат солиғини амалиётга жорий этиш ва ундириш механизми биринчи марта француз молиячиси М.Лоре томонидан ишлаб чиқилган. Аммо қўшилган қиймат солиғи М.Лоренинг таклифидан сўнг ўтган 10 йилдан ортиқ вақт давомида тажриба учун таклиф этилган шаклда қўлланилган.

Қўшилган қиймат солиғига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири шундаки, солиққа тортишнинг объекти бўлиб, нафақат ички бозордаги товар айланмаси, балки мамлакат корхоналарининг ташқи бозордаги товар айланмаси ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда, кўпчилик ҳолларда , қўшилган қиймат солиғини “Европача ” солиқ деб аташади. Бунинг асосий сабаблари шундаки, биринчидан бу солиқ биринчи марта Францияда жорий этилган; иккинчидан 1977 йилдан бошлаб бир вақтнинг ўзида Европанинг бир нечта давлатларида жорий этилган; учинчидан бу солиқ Ғарбий Европадаги интеграцион жараёнларнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнаган.

Европада эгри солиқларнинг роли АҚШ, Канада ва Австралияга қараганда юқоридир. Европа мамлакатларида жами солиқ тушумларининг хажмида эгри солиқларнинг салмоғи 40 фоиздан юқори бўлиб, айрим мамлакатларда 50 фоизни ташкил қилади. Мазкур кўрсаткич 50 фоиздан юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига Мексика, Туркия ва Корея киради. АҚШ, Япония, Канада ва Австралияда эса бу кўрсаткич 25-30 фоизни ташкил этади.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар қуйидагилардир:

1) солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар, агар СК 197 моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса;

2) СКига мувофиқ зиммасига Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар;

3) товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб қирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно;

4) оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) - юридик шахс.

Қуйидагилар қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланмайди:

1) нотижорат ташкилотлар, бундан тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари, шунингдек СКи 197 моддасининг биринчи қисми 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

2) агар СКининг ХХ бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, СКига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

**Солиқ солиш
объекти**

```
graph TD; A[Солиқ солиш объекти] --- B[Солиқ солинадиган оборот.]; A --- C[Солиқ солинадиган импорт.];
```

Солиқ солинадиган
оборот.

Солиқ
солинадиган
импорт.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти

1) мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан: товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш); устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса ва бошқалар.

2) битта юридик шахсинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига, агар таркибий бўлинмалар СКига мувофиқ мустақил солиқ тўловчилар бўлса, мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш;

3) мол-мулкни молия ижарасига (шу жумладан лизингга) бериш; тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан товарни жўнатиш;

4) мол-мулкни оператив ижарага бериш; интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

Қуйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти бўлмайди:

1) солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган, унинг ўз эҳтиёжлари учун товарларни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, бундан СК 199 моддасининг биринчи қисми 7-бандида назарда тутилган харажатлар мустасно;

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (завод ички обороти) учун, агар таркибий бўлинмалар СКига мувофиқ мустақил солиқ тўловчилар бўлмаса, мол-мулк берилиши, ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши;

3) солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши;

6) асосий воситаларни, номоддий активларни ва тугалланмаган қурилиш объектларини бепул асосда бериш;

7) банклар ва суғурта ташкилотлари томонидан мол-мулкни ўз филиалларига бериш;

8) оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) улуши сифатида товарларни (ишларни, хизматларни), бошқа мол-мулк ва мулкый ҳуқуқларни бериш;

9) товарларни ва бошқа мол-мулкни қайта ишлаш асосида бериш;

10) ишончли бошқарув шартномаси асосида мол-мулкни мулкдордан ишончли бошқарувчига бериш;

11) ишончли бошқарув шартномаси тугатилган тақдирда, мол-мулкни мулкдорга бериш;

12) объект қийматини ижарага берувчи (лизингга берувчи) оладиган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қоплаш;

13) товарлардан фойдаланишнинг кафолатли муддати даврида уларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча ҳақ олмасдан ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш.

Солиқ солинадиган ва солинмайдиган оборотларни белгилаш

Солиқ тўловчининг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти солиқ солинадиган оборотдир, СКининг 200-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган оборотлар бундан мустасно.

Солиқ тўловчининг товарларни (ишларни, хизматларни) қуйидаги реализация қилиш оборотлари солиқ солинмайдиган оборотдир:

СКининг 208, 209 ва 210-моддаларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборот;

реализация қилинган жойи Ўзбекистон Республикаси бўлмаган оборот. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойи СКининг 202-моддасига мувофиқ белгиланади.

Солиқ солинадиган импорт

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар солиқ солинадиган импортдир, СКининг 211-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар бундан мустасно.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойи

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотларига, агар уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўлса, қўшилган қиймат солиғи солинади.

Қуйидаги шартлар ёхуд улардан бири мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди товарларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади:

товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса ва битим натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқарилмайдиган бўлса (юклаб жўнатилмайдиган ва ташилмайдиган бўлса);

жўнатиш ёки ташиш бошланган пайтда товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса.

Реализация қилиш обороти амалга оширилган сана.

Товарлар жўнатилган (берилган) кун, агар СКининг 203- моддасининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, товарларни реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Агар товарларни жўнатиш амалга оширилмаса, товарга бўлган мулк ҳуқуқи олувчига ўтказилган кун реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Гаровга қўйилган мол-мулк (товар) гаровга қўювчи томонидан топширилганда гаров нарсасига бўлган мулк ҳуқуқи ўтказилган сана гаровга қўювчи учун реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Юридик шахснинг ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун иш ҳақи ҳисобига, шу жумладан бепул товарлар берилганда, ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда товар берилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган ҳамда ҳисобварақ-фактура ва (ёки) ишлар бажарилгани, хизматлар кўрсатилгани фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар расмийлаштирилган кун оборот амалга оширилган санадир.

Солиқ имтиёзлари

Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар Солиқ Кодексида тўрт гуруҳга бўлиб берилган. Улар:

1. Солиқдан озод этилган товарларни (иш, хизматлар) реализация қилиш обороти (208 модда)

2. Солиқдан озод қилинадиган молиявий хизматлар (209 модда)

3. Солиқдан озод этиладиган суғурта хизматлари (210 модда)

4. Солиқдан озод этиладиган импорт.

НОЛЬ ДАРАЖАЛИ СТАВКА БЎЙИЧА СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН ОБОРОТ

- 2000-йилдан ҳозирги кунгача Солиқ Кодексига кўра республикамызда 20 фоизли ва “0” фоизли ставка қўлланилиб келмоқда. Умуман олганда “0” ставка деганда корхона ишлаб чиқараётган товарларнинг (иш, хизматлар) қийматига қўшилган қиймат солиғи қўлланилмайди, яъни “0” га тенг дегани.
- “0” ставка қўлланилиши бўйича Солиқ кодексига қуйидаги моддалар ажратиб кўрсатилган:
- 212-модда. Товарларни экспорт қилиш; 213-модда. Товарларнинг экспорт қилинганлигини тасдиқлаш ; 214-модда. Чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга расмий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга (ишларга, хизматларга) солиқ солиш ;215-модда. "Божхона ҳудудида қайта ишлаш" боажхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича баажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга солиқ солиш ;216-модда. Халқаро йўналишда ташишларга солиқ солиш;217-модда. Аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматларга солиқ солиш

НОЛЬ ДАРАЖАЛИ СТАВКА БЎЙИЧА СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН ОБОРОТ

- Қўшилган қиймат солиғидан озод (имтиёзли) бўлган оборотлардан фарқли “0” ставка қўлланилганда қўшилган қиймат солиғи қўлланилганда ҚҚС товарларнинг таннархига киритилмасдан ҳисобга олинади.
- Агарда ҳисобот даврида ҳисобга киритилиши лозим бўлган ҚҚС суммасидан “0” ставкада ҳисобланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси қиймати жиҳатидан кўп бўлса, у ҳолда ошиқча сумма солиқ тўловчининг бошқа солиқ ва тўловлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда , унга белгиланган тартибда қайтарилади.
- ҚҚСни қоплаш(яъни қайтариш) тартиби 2003-йил 13 майдаги ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга ундириладиган тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган “Хўжалик юритувчи субъектларга қўшилган қиймат солиғи бўйича юзага келган манфий фарқни қоплаш тўғрисида”ги Низом асосида олиб борилади.

НОЛЬ ДАРАЖАЛИ СТАВКА БЎЙИЧА СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН ОБОРОТ

- Қўшилган қиймат солиғи бўйича салбий фарқни пайдо бўлиши муаммоси асосан, маҳсулотини экспорт қиладиган йирик корхоналар фаолиятида кузатилади. Масалан: Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатининг 1 ойлик ўртача тўлови 100 млн сўм, навоий тоғ-кон металлургия комбинатида ва бошқалар. Бу муаммо “0” ставкада солиққа тортиш натижасида жўнатилган маҳсулотга ҚҚС ҳисобланмаслиги ва олинган материалларга ҚҚС ҳисобланиши оқибатида юзага келади.